“Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши мажлисининг 07-сонли баённомаси

31 октябр 2023 йил. Самарқанд шаҳри.

Мажлисда қатнашдилар:

Кузатув кенгаши раиси: **С.У.Махмараимов**
Кузатув кенгаши аъзолари: **А.М.Ахтамов**
Б.А.Маматов
А.А.Юсупходжаев
Ш.А.Абдимажидов
М.Ш.Неъматов

Кворум 85,8 %.

Таклиф этилганлар:
1. Х.К.Нуриддинов - жамият бошқарув раиси в.в.б;
2. О.И.Чаршанбаев - бош ҳисобчи;
3. Н.М.Зухурова - жамият бош ҳисобчиси ўринбосари;
4. Р.А.Раджабова - бўлим бошлиғи.

Мажлис раиси этиб **С.У.Махмараимов;**
Мажлис котиби этиб **С.Ашурова** бир овоздан сайланди.

Мажлис раиси С.У.Махмараимов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 85-моддасига асосан, кузатув кенгаши йиғилишини ўтказиш учун кворум жамият уставида белгилаб қўйилади, бироқ у кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги кераклигини таъкидлаб ўтди ҳамда йиғилишда кузатув кенгаши аъзоларидан 6 таси қатнашаётганлигини ва йиғилиш кворуми 85,8 фоизни ташкил этилганлигини инобатга олиб, йиғилишни очиқ деб эълон қилди.

Шу билан бирга, мажлис қатнашчиларини мажлис кун тартиби билан таништирди ва ўқиб эшиттирди:

МАЖЛИС КУН ТАРТИБИ:

1. “Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖнинг 2023 йил 9 ойлик якунлари бўйича Бизнес-режаси кўрсатгичларининг бажарилишини муҳокама қилиш *(Маърузачи: Жамият бошқарув раиси в.в.б Х.К.Нуриддинов);*
2. “Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖ кузатув кенгашига номзодларни кўриб чиқиш *(Маърузачи: Мажлис раиси С.У.Махмараимов)*;
3. “Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖнинг 2024 йил учун йиллик Бизнес-режасини маъқуллаш *(Маърузачи: бўлим бошлиғи Р.А.Раджабова);*
4. “Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида *(Маърузачи: Мажлис раиси С.У.Махмараимов)*.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича мажлис раиси сўз навбатини жамият бошқарув раиси в.в.б Х.К.Нуриддиновга берди, "Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати" АЖнинг 2023 йил 9 ойлик якунлари бўйича Бизнес-режаси кўрсатгичларининг бажарилиши юзасидан ҳисоботини ўқиб эшиттирди.

Шунингдек, жамиятнинг 2023 йил 9 ойлик якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботини ҳамда бизнес-режа кўрсаткичларининг қуйидагича, шу жумладан:

I. Молиявий кўрсаткичлар

- жами даромад 8 974 772,0 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига *(7 350 444.0 минг сўм)* нисбатан 1 624 328,0 минг сўмга (22 фоиз) кўпайган бўлсада, белгиланган *(38 354 004,0 минг сўм)* режа **23,3 фоиз**га бажарилган;

- соф тушум 8 445 60,01 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига *(5 115 671, минг сўм)* нисбатан 3 329 930,0 минг сўмга (65 фоиз) кўпайган бўлсада, белгиланган *(38 204 004,0 минг сўм)* режа **22,1 фоиз**га бажарилган;

- маҳсулот (хизматлар) таннархи 6 947 092,0 минг сўмни ташкил этган ёки таннархнинг соф тушумдаги улуши 82,2 фоизни ташкил этган, бунда таннарх ўтган йилнинг мос даврига (95 фоиз) нисбатан ўртача **12,7 фоиз**га камайган;

- давр харажатлари 1 999 288,0 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига *(2 140 911,0 минг сўм)* нисбатан 141 623,0 минг сўмга камайган, белгиланган *(3 728 505,0 минг сўм)* режа **53,6 фоизни** ташкил этган;

- соф фойда 18 707,0 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига *(соф фойда 27 328 минг сўм)* нисбатан 8 621,0 минг сўмга (31,5 фоиз) камайган, белгиланган *(623 507,0 минг сўм)* режа **3 фоиз**га бажарилган;

- дебиторлик 6 658 986,0 минг сўмни ташкил этган ва йил бошига (6 039 361,0 минг сўм) нисбатан **619 625,0 минг сўм**га *(10,2 фоизга)* кўпайган;

- жами мажбуриятлар 14 889 635,0 минг сўмни ташкил этган ва йил бошига (20 843 492,0 минг сўм) нисбатан **5 953 857,0 минг сўм**га *(28,5 фоизга)* камайган.

- жорий кредиторлик қарздорликлари 10 544 060,0 минг сўмни ташкил этган ва йил бошига (16 147 492,0 минг сўм) нисбатан **5 603 432,0 минг сўм**га *(34,7 фоизга)* камайган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1013-сон қарори билан тасдиқланган "Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати таҳлилини ўтказиш Регламенти"га асосан корхонанинг молиявий ҳолати қуйидагиларни кўрсатмокда:

- харажатларнинг рентабеллик коэффициенти 0 *(меъёр 0,05 дан паст эмас)*;
- тўлов қобилияти ёки қоплаш коэффициенти 1,04 *(меъёр 1,25 дан паст эмас)*;
- ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик кўрсаткичи 0,04 *(меъёр 0,2 дан паст эмас)*;
- асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти 0,63 *(меъёр 0,5 дан юқори эмас)*;
- хусусий маблағлар ва қисқа муддатли қарзларнинг ўзаро нисбати коэффициенти 0,46 *(меъёр 1,0 дан паст эмас)*.

Таҳлил натижаларига кўра корхона ҳолати қуйидагича: **паст рентабелли, тўлов қобилиятини йўқотган, айлананма маблағга эга эмас, асосий воситалари эскирган, молиявий хатар зонасида**.

II. Ишлаб чиқариш кўрсаткичи

Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси: вино виноградное бўйича **4,3 фоизни**, коньяк бўйича **5,6 фоизни**, водка и ликероводочные изделия бўйича **0,7 фоизни** ташкил этган.

Ишлаб чиқариш ҳажми: Вино виноградное 3 444 далл (режа — 11,4 фоиз), коньяк 2 590 далл (режа — 9,2 фоиз), водка и ликероводочные изделия 3 140 далл (режа — 2 фоиз), спирт коньячный 15 017 далл (режа — 300,3 фоиз) ташкил этган.

III. KPI кўрсаткичлари

Агентлик веб-сайтига (kpi.davaktiv.uz) жойлаштирилган корхона ижроия органининг самарадорлик муҳим кўрсаткичи (СМК) натижаси ўрганилганда, у **61 фоизни, яъни етарли даражада эмас** баҳоланганини кўрсатмоқда.

Шундан сўнг, жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Мажлисда фикр-мулоҳазалардан сўнг, мажлис раиси юқорида қайд қилинган жамият бошқарув раисининг 2023 йил 9 ойлик якунлари бўйича Бизнес-режасини кўрсатгичларининг бажарилиши юзасидан ҳисоботини **"қониқарсиз"** деб топиш таклифи билдирилди.

Ушбу масала бўйича бошқа таклифлар бўлмади.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича берилган таклиф кузатув кенгаши аъзолари томонидан овоз беришлари учун овзга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

"тарафдор"- 6 та, "қарши"- йўқ, "бетараф" - йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала мажлис раиси сўзни давом эттириб, "Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати" АЖ устав капиталидаги давлат улушига тегишли 71,18 фоиз акцияларга эга бўлган акциядор - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошкариш агентлиги томонидан 2023 йил 7 август кунидаги 03/09-3-17/4018-сонли хати билан "Давлат мулкини бошкариш тўғрисида"ги Қонунининг 43 ва 44-моддаларига асосан жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига давлат улуши бўйича номзодлар рўйхати киритилган.

Жамият кузатув кенгашига сайланиш учун қуйидаги 6 та номзодлар киритилган, яъни:

т/р	ФИШ	Иш жойи ва лавозими
1.	Нуралиев Рустам Тургунович	Давактив агентлиги ҳузуридаги Тадқиқотлар маркази бўлим мудири
2.	Суюнов Дилмурод Холмурадович	Тадбиркорлик ва бизнес олий мактаби кафедра мудири, бўлим бошлиғи
3.	Бутабаев Мехриддин Холмурадович	Давактив агентлиги ҳузуридаги Тадкикотлар маркази илмий ходими
4.	Амонов Отабек Олимжон ўғли	Давактив агентлиги Бош мутахассиси
5.	Иброхимов Мирзо Улуғбек Ботиржон ўғли	Давактив агентлиги етакчи мутахассиси
6.	Жуманиязов Мардонбек Шухрат ўғли	Давактив агентлиги етакчи мутахассиси

"Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати" АЖ устав капиталидаги 11,5 фоиз акцияларга эга бўлган акциядор - "Marokand Pensilvania Trede" МЧЖ қўшма корхонаси 2023 йил 5 июль кунидаги 79-сонли хати билан кузатув кенгаши таркибига куйдаги номзодни киритган, яъни:

т/р	ФИШ	Иш жойи ва лавозими
1.	Неъматов Мохир Шухратович	"Marokand Pensilvania Trede" МЧЖ

		қўшма корхонаси вакили

Жамият кузатув кенгашига акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланиши учун қуйидаги 7 та номзодлар киритилган ҳолда тасдиқланиши таклиф этилди, шу жумладан:

т/р	ФИШ	Иш жойи ва лавозими
1.	Нуралиев Рустам Тургунович	Давактив агентлиги ҳузуридаги Тадқиқотлар маркази бўлим мудири
2.	Суюнов Дилмурод Холмурадович	Тадбиркорлик ва бизнес олий мактаби кафедра мудири, бўлим бошлиғи
3.	Бутабаев Мехриддин Холмурадович	Давактив агентлиги ҳузуридаги Тадкикотлар маркази илмий ходими
4.	Амонов Отабек Олимжон ўғли	Давактив агентлиги Бош мутахассиси
5.	Иброхимов Мирзо Улуғбек Ботиржон ўғли	Давактив агентлиги етакчи мутахассиси
6.	Жуманиязов Мардонбек Шухрат ўғли	Давактив агентлиги етакчи мутахассиси
7.	Неъматов Мохир Шухратович	“Marokand Pensilvania Trede” МЧЖ қўшма корхонаси вакили

Ушбу масала бўйича бошқа таклифлар бўлмади.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича мажлис раиси таклифи кенгаш аъзолари томонидан овоз беришлари учун овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

“тарафдор”- 6 та, “қарши” - йўқ, “бетараф” - йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича мажлис раиси сўз навбатини жамият режалаштириш бўлими бошлиғи Р.Раджабовага берди ва у сўзга чиқиб “Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖнинг 2024 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда киритилган ўзгаришларни инобатга олиб, жамиятнинг Бизнес режасини дастлабки тарзда маъқулланишини сўради. *(Бизнес режа илова килинади)*.

Мажлис раиси акциядорлик жамияти фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни 2024 йил Бизнес-режасини жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишига киритиш учун тасдиқлаш таклифини овозга қўйди.

Ушбу масала бўйича бошқа таклифлар бўлмади.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича мажлис раиси таклифи кенгаш аъзолари томонидан овоз беришлари учун овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

“тарафдор”- 6 та, “қарши” - йўқ, “бетараф” - йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича мажлис раиси сўзни давом эттириб, жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини 2023 йил 22 ноябрь куни, соат 10:00да жамият маъмурий биносида ўтказилиши тўғрисида, шунингдек навбатдан ташқари умумий йиғилиш кун тартибини қуйидагича белгилашни, яъни:

1. “Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖнинг, “Корпоратив бошқарув қоидалари” жорий этиш, Уставини, “Жамият кузатув кенгаши тўғрисида”ги ҳамда “Жамият ижроия органи тўғрисида” Низомларнинг янги таҳририни тасдиқлаш;

2. “Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖ томонидан “Корпоратив бошқарув қоидалари” тавсияларини ўз фаолиятига қабул қилганлиги туғрисида хабар бериш шаклини тасдиқлаш;

3. Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 6 октябрдаги 02/09-3-20/124-сонли хати ижросини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

4. “Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖ кузатув кенгаши аъзоларининг уч йиллик муддатга сайлаш тўғрисидаги масалаларни киритиш таклифини билдирди.

Шунингдек, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларни хабардор қилиш учун 2023 йил 31 октябрь ҳолатига ҳамда навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатини тузиш учун 2023 йил 16 ноябрь ҳолатига жамият акциядорлари рееатрини шакллантириш таклифини билдириб ўтди.

Бундан ташқари, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш тартибини қуйидагича, яъни:

- Жамиятнинг корпоратив веб-сайти;
- Корпоратив ахборот ягона портали (www.openinfo.uz).

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборотлар рўйхатини қуйидагича, яъни:

- жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави;
- “Корпоратив бошқарув коидалари”;
- “Жамият кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низом;
- “Жамият ижроия органи тўғрисида”ги Низом;
- Жамият кузатув кенгаши аъзолари таркибига сайланадиган номзодлар тўғрисидаги маълумотномалари этиб тайинлашни таклиф қилди.

Шунингдек, мажлис раиси ўз нутқини давом эттирган ҳолда жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни билан мажлис иштирокчиларини таништирди ва ушбу ҳужжатларни тасдиқлашни таклиф қилди.

Ушбу масала бўйича бошқа таклифлар бўлмади.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича мажлис раиси таклифи кенгаш аъзолари томонидан овоз беришлари учун овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

“тарафдор” - 6 та, “қарши” - йўқ, “бетараф” – йўқ.

Юқорида қайд этилган масалалар юзасидан жамият кузатув кенгаши мажлиси,

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. “Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖ бошқарув раиси в.в.б Х.К.Нуриддиновнинг 2023 йил 9 ойлик якунлари бўйича Бизнес-режа кўрсатгичларининг бажарилиши юзасидан ҳисоботи **“қониқарсиз”** деб топиилсин.

2. “Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖ кузатув кенгаши аъзолигига акциядорларнинг умумий йигилишида сайланиши учун қуйидаги 7 та номзодлар киритилиши тасдиқлансин, яъни:

т/р	ФИШ	Иш жойи ва лавозими
1.	Нуралиев Рустам Тургунович	Давактив агентлиги ҳузуридаги Тадқиқотлар маркази бўлим мудири
2.	Суюнов Дилмурод Холмурадович	Тадбиркорлик ва бизнес олий мактаби кафедра мудири, бўлим бошлиғи
3.	Бутабаев Мехриддин Холмурадович	Давактив агентлиги ҳузуридаги Тадкикотлар маркази илмий ходими
4.	Амонов Отабек Олимжон ўғли	Давактив агентлиги Бош мутахассиси
5.	Иброхимов Мирзо Улуғбек Ботиржон ўғли	Давактив агентлиги етакчи мутахассиси
6.	Жуманиязов Мардонбек Шухрат ўғли	Давактив агентлиги етакчи мутахассиси
7.	Неъматов Мохир Шухратович	“Marokand Pensilvania Trede” МЧЖ қўшма корхонаси вакили

3. “Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖнинг 2024 йил учун Бизнес-режасини жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йилилишига киритиш учун дастлабки тарзда маъқуллансин.

4. “Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2023 йил 22 ноябр куни, соат 10:00да жамият маъмурий биносида ўтказилсин; навбатдан ташқари умумий йиғилиш кун тартибини қуйидагича белгилансин:

1) “Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖнинг, “Корпоратив бошқарув қоидалари” жорий этиш, Уставини, “Жамият кузатув кенгаши тўғрисида”ги ҳамда “Жамият ижроия органи тўғрисида” Низомларнинг янги таҳририни тасдиқлаш;

2) “Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖ томонидан “Корпоратив бошқарув қоидалари” тавсияларини ўз фаолиятига қабул қилганлиги туғрисида хабар бериш шаклини тасдиқлаш;

3) Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 6 октябрдаги 02/09-3-20/124-сонли хати ижросини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

4) “Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖ кузатув кенгаши аъзоларининг уч йиллик муддатга сайлаш.

Шунингдек, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларни хабардор қилиш учун 2023 йил 31 октябрь ҳолатига ҳамда навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатини тузиш учун 2023 йил 16 ноябрь ҳолатига жамият акциядорлари реестри шакллантирилсин.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига жамиятнинг корпоратив веб-сайти, корпоратив ахборот ягона портали (www.openinfo.uz орқали хабар қилинсин.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига қуйидаги ҳужжатлар:

- жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави;
- “Корпоратив бошқарув коидалари”;
- “Жамият кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низом;
- “Жамият ижроия органи тўғрисида”ги Низом;

-“Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖ кузатув кенгаши аъзолари таркибига сайланадиган номзодлар тўғрисидаги маълумотномалари тақдим этилсин.

5. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кузатув кенгаши раиси: **С.У.Махмараимов**

Кузатув кенгаши аъзолари: **А.М.Ахтамов**

Б.А.Маматов

А.А.Юсупходжаев

Ш.А.Абдимажидов

М.Ш.Неъматов

Котиб: **С.Ашурова**

Баённома билан танишдим ва ижро учун қабул қилдим: Х.К.Нуриддинов

“XOVRENKO NOMIDAGI SAMARQAND VINO KOMBINATI”
акиядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши
Б А Ё Н Н О М А С И

Йиғилиш ўтказилган жой: Самарқанд шаҳри, М.Қошғари кўчаси, 58-уй.
Йиғилиш ўтказилган сана ва вақти: 2023 йил 22 ноябр, соат 10-00.
Йиғилиш тури: Навбатдан ташқари.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кузатув кенгашининг 2023 йил 31 октябрдаги йиғилиш қарорига асосан чақирилган.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида акциядорларга маълумот етказиш:

- жамият корпоратив веб-сайти (www.xovrenko.uz);
- корпоратив ахборот ягона портали (www.openinfo.uz).

Жамият томонидан чиқарилган жами акциялар сони 3 066 640 дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларни ташкил қилади.

Йиғилишга қатнашганлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили Махмараимов Сухроб Уктамович 2 182 860 овоз билан (2023 йил 20 ноябрдаги 02/09-3-17/551-сонли ишончнома);
2. “Marokand Pencylvania Trade” қўшма корхонаси вакили Неъматов Мохир Шухратович 352 780 овоз билан (2023 йил 22 ноябрдаги 22/11-1-сонли ишочнома);
3. Жисмоний шахс бўлган акциядорлар 4 киши, 6 180 овоз билан.

Таклиф этилганлар:

1. Х.К.Нуриддинов - жамият бошқаруви раиси в.в.б.;
2. О.И.Чаршанбаев - жамият бош ҳисобчиси;
3. Г.К.Рузиев - жамият бош технологи.

Йиғилишни Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Сухроб Уктамович Махмараимов олиб борди ва йиғилишда қуйидаги тартибда овоз беришни таклиф қилди:

- йиғилиш ишчи органи (Президиум ва котиби), регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш - очиқ овоз бериш йўли билан;
- йиғилишнинг кун тартибидаги масалалар бўйича - ёпиқ овоз бериш йўли билан (овоз бериш бюллетенлари орқали).

Таклиф овозга қўйилди. Таклиф очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилиш раиси С.У.Махмараимов умумий йиғилишни қонун доирасида олиб бориш учун умумий йиғилиш президиуми, раиси ва котибини сайлаш учун номзодларни кўрсатишни таклиф этди.

Р.Раджабова сўз олиб, қуйидаги номзодларни умумий йиғилиш президиумига, йиғилиш раислиги ва котиблигига сайлашни таклиф килди.

Йиғилиш президиуми:

1 Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Махмараимов Сухроб Уктамович.

2. Жамият бошқаруви раиси в.в.б. Х.К.Нуриддинов.

Очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан қуйидагилар сайланди:

- йиғилиш президиуми - С.У.Махмараимов, Х.К.Нуриддинов;
- йиғилиш раиси - С.У.Махмараимов;
- йиғилиш котиби - С.Ашурова.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси С.У.Махмараимов акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди ва Президиумдан ўз жойларини эгаллашларини сўради.

Саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш бўйича йиғилиш раиси С.У.Махмараимов сўзга чиқиб, саноқ комиссияси таркибига қуйидаги номзодларни таклиф қилди:

- Зухурова Наргиза Муйиновна - акциядор;
- Раджабова Рано Анваровна - акциядор;
- Рузиев Ганишер Каримович - акциядор.

Ушбу номзодлар овозга қўйилди ва очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан сайланди.

Умумий йиғилиш қарор қилади:

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши саноқ комиссияси таркибига қуйидагилар тасдиқлансин:

- Зухурова Наргиза Муйиновна - акциядор;
- Раджабова Рано Анваровна - акциядор;
- Рузиев Ганишер Каримович - акциядор.

Жамият акциядорларининг умумий йиғилишига қатнашиш учун рўйхатдан ўтган акциядорларни жамлаш натижалари ва йиғилиш кворумини аниқлаш учун йиғилиш раиси С.У.Махмараимов сўзни саноқ комиссияси раиси Н.М.Зухуровага берди.

Саноқ комиссияси раиси Н.М.Зухурова сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 68-моддасига асосан агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлишини эслатиб ўтди. Шунга асосан йиғилишда жами **2 541 820 дона** овоз берувчи акцияларга эга бўлган **6 та** акциядорлар

(уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтганлигини ва йиғилиш кворуми **82,3 фоизни** ташкил қилганлигини маълум қилди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси С.У.Махмараимов сўзга чиқиб, "Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати" акциядорлик жамияти кузатув кенгаши томонидан тайёрланган ва эълон қилинган йиғилиш кун тартибини ўқиб эшиттирди.

К У Н Т А Р Т И Б И:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш.
3. "Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати" АЖнинг "Корпоратив бошқарув қоидалари" жорий этиш, жамият Уставини, "Жамият кузатув кенгаши тўғрисида"ги ҳамда "Жамият ижроия органи тўғрисида" Низомларнинг янги таҳририни тасдиқлаш;
4. "Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати" АЖ томонидан "Корпоратив бошқарув қоидалари" тавсияларини ўз фаолиятига қабул қилганлиги туғрисида хабар бериш шаклини тасдиқлаш;
5. Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 6 октябрдаги 02/09-3-20/124-сонли хати ижросини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
6. "Ховренко номидаги Самарканд вино комбинати" АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини уч йиллик муддатга сайлаш.

1. Кун тартибидаги биринчи масала *(Саноқ комиссияси аъзоларини сони ва шахсий таркибини сайлаш)* бўйича йиғилиш раиси сўзга чиқиб, акциядорларни саноқ комиссиясини таркиби билан таништирди ва акциядорларга овоз бериш учун мурожаат қилди.

1. Н.М.Зухурова - акциядор;
2. Р.А.Раджабова - акциядор;
3. Г.К.Рузиев - акциядор.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор - 2 541 820 та овоз, 100%, қарши - 0, бетараф - 0.

2. Кун тартибидаги иккинчи масала (*Акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилиш регламентини тасдиклаш*) бўйича йиғилиш раиси сўзга чиқиб, акциядорларни регламент билан таништирди ва акциядорларга овоз бериш учун мурожаат қилинди.

Навбатдан ташқари умумий йиғилиши

РЕГЛАМЕНТИ:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини сайлаш ***(Маърузачи: Кузатув кенгаши раиси - С.У.Махмараимов) 5 дақиқа;***

2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш (***Маърузачи: Кузатув кенгаши раиси - С.У.Махмараимов) 5 дақиқа;***

3. "Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати" АЖнинг "Корпоратив бошқарув қоидалари" жорий этиш, жамият Устави, "Жамият кузатув кенгаши тўғрисида"ги ҳамда "Жамият ижроия органи тўғрисида" Низомларнинг янги таҳририни тасдиқлаш (***Маърузачи: Жамият Кузатув кенгаши раиси - С.У.Махмараимов) 5 дақиқа;***

4. "Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати" АЖ томонидан "Корпоратив бошқарув қоидалари" тавсияларини ўз фаолиятига қабул қилганлиги туғрисида хабар бериш шаклини тасдиқлаш (***Маърузачи: Жамият Корпоратив муносабатлар бўйича масъул ходимм - С.Ашурова) 5 дақиқа;***

5. Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 6 октябрдаги 02/09-3-20/124-сонли хати ижросини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш (***Маърузачи: Жамият Кузатув кенгаши раиси – С.У.Махмараимов) 5 дақиқа;***

6. "Ховренко номидаги Самарканд вино комбинати" АЖ кузатув кенгаши аъзоларини уч йиллик муддатга сайлаш (***Маърузачи: Жамият Кузатув кенгаши раиси - С.У.Махмараимов) 5 дақиқа;***

- Мунозаралар учун - 5 дақиқа;
- Маълумотлар ва саволларга жавоб бериш учун - 5 дақиқа;
- Овоз бериш ва бюллетенларни йиғиш учун - 10 дақиқа.

Кун тартибидаги учинчи масала *("Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати" АЖнинг "Корпоратив бошқарув қоидалари"ни жорий этиш, жамият Устави, "Жамият кузатув кенгаши тўғрисида"ги ҳамда "Жамият ижроия органи тўғрисида" Низомларнинг янги таҳририни тасдиқлаш)* бўйича йиғилиш раиси сўзга чиқиб, жамият Кузатув кенгаши номига Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошариш агентлигининг 2023 йил 23 июндаги 03/09-2-17/3005-сонли хати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПҚ-101-сон қарори билан тасдиқланган Давлат активларини бошқариш соҳасида ислоҳотларни чуқурлатштириш ва тизим фаолиятини трансформасия қилиш бўйича "Йўл харитаси"нинг 3-бандидига мувофиқ Давактив агентлиги томонидан Давлат иштирокидаги корхоналарда янгиланган корпоратив бошқарув қоидаларини ҳамда Ахлоқ кодексини жорий этиш бўйича График тасдиқланган.

"Давлат мулкини бошқариш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига асосан давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув коидаларини тасдиқлаш Давлат активларини бошқариш агентлигининг ваколатига киритилган ҳамда Агентликнинг 2023 йил 23 июндаги 145-сон буйруғи билан Давлат иштирокидаги корхоналар учун "Корпоратив бошкарув коидалари" тасдиқланган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, жамият Устави, "Жамият кузатув кенгаши тўғрисида"ги ҳамда "Жамият ижроия органи тўғрисида" Низомларнинг янги таҳририни тасдиқлаш ва "Корпоратив бошқарув Коидалари"га риоя қилиш мажбуриятини қабул қилиш масаласи

акциядорларнинг умумий йигилишида кўриб чиқиш лозимлигини маълум қилди.

Йиғилиш раиси ўз нутқи якунида акциядорларни жамият Устави, "Жамият кузатув кенгаши тўғрисида"ги ҳамда "Жамият ижроия органи тўғрисида" Низомларнинг янги таҳририни ва "Корпоратив бошқарув Коидалари" билан батафсил таништирди.

Жамиятда жамият Устави, "Жамият кузатув кенгаши тўғрисида"ги ҳамда "Жамият ижроия органи тўғрисида" Низомларнинг янги таҳририни ва "Корпоратив бошқарув Коидалари"ни тасдиқлш масаласи овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор - 2 541 820 та овоз, 100%, қарши - 0, бетараф - 0.

Кун тартибидаги тўртинчи масала *("Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати" АЖ томонидан "Корпоратив бошқарув қоидалари" тавсияларини ўз фаолиятига қабул қилганлиги тўғрисида хабар бериш шаклини тасдиқлаш)* бўйича йиғилиш раиси сўзни жамиятнинг Корпоратив муносабатлар бўйича масъул ходими С.Ашуровага берди ва у сўзга чиқиб, жамият Устав капиталида давлат улуши мавжуд хўжалик жамиятларида "Корпоратив бошкарув Қоидалари"ни жорий этиш ҳақида қарор қабул қилинганда "Корпоратив бошкарув Қоидалари"га риоя қилиш мажбуриятини қабул қилиш масаласи акциядорларнинг умумий йиғилишида кўриб чиқилиши лозимлигини маълум қилди.

Йиғилиш раиси ўз нутқи якунида "Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати" АЖ томонидан "Корпоратив бошқарув қоидалари" тавсияларини ўз фаолиятига қабул қилганлиги туғрисида хабар бериш шаклини иловага мувофиқ тасдиқлаш масаласини овозга қўйди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор - 2.541.820 та овоз, 100%, қарши - 0, бетараф - 0.

Кун тартибидаги бешинчи масала *(Давлат активларини бошкариш агентлигининг 2023 йил 6 октябрдаги 02/09-3-20/124-сонли хати ижросини кўриб чиқиш ва тасдиклаш)* юзасидан йиғилиш раиси сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

"Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати" АЖнинг собиқ бошқарув раиси Х.Азимов ўз ҳоҳишига кўра 2023 йил 7 августда ёзган аризасига асосан эгаллаб турган лавозимидан озод этилган.

Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 6 октябрдаги 02/09-3-20/124-сонли хати билан "Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати" АЖ раҳбарлиги лавозимига вилоят ҳокимлиги ҳамда ҳудудий бошқарма томонидан таклиф этилган Нуриддинов Хушвақт Қахрамонович номзодини белгиланган тартибда танлов ўтказилгунга қадар вақтинча вазифасини бажарувчи этиб сайланишига эътирозлари мавжуд эмаслиги маълум қилинган.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат мулкини бошқариш тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига кўра, устав капиталидаги давлат улуши миқдори эллик фоиздан ортиқ бўлган хўжалик жамияти ёхуд устав капиталидаги давлат улуши миқдори хўжалик жамиятининг бошқа ҳар бир акциядори (иштирокчиси) улушига нисбатан кўп бўлган хўжалик жамияти, шунингдек давлат унитар корхонаси - давлат иштирокидаги корхона эканлиги;

Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ Давактив агентлиги давлат иштирокидаги корхоналарнинг ижроия органлари раҳбарларини уларнинг бошқарув органлари орқали тайинлашни (танлов ўтказиш, сайлаш) ташкил этиши белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПҚ-101-сон қарорига асосан 2023 йил 1 июлдан бошлаб давлат иштирокидаги корхоналарнинг раҳбари ва унинг ўринбосарларини тайинлаш (сайлаш) танлов асосида амалга оширилиши, бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган ҳоллар мустаснолиги назарда тутилганлиги;

Давлат иштирокидаги корхоналар ижроия органининг раҳбарлик лавозимларига танлов ўтказиш ва номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги намунавий Низом лойиҳаси ишлаб чиқилган ва ушбу буйруқ билан тасдиқланганлигини, шунга кўра “Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖ ижроия органининг раҳбарлик лавозимларига танлов ўтказиш ва номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги Низоми ишлаб чиқилиб Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланганлиги маълум қилинди.

Шунингдек, “Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖ ижроия органининг раҳбарлик лавозимларига танлов ўтказиш ва номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ номзодларни саралаш ва танлаб олиш - оммавий ахборот воситаларида тегишли эълон бериш орқали жамиятда ёки ваколатли давлат органида шакллантирилган номзодлар захирасидан белгиланган мезонлар асосида энг мақбул номзодларни танлаб олиш тизими белгиланган.

Шунга кўра, “Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖ Бошқарув раиси лавозимига танлов ўтказиш тўғрисидаги 16.10.2023 йилда оммавий ахборот воситаларида Корпоратив ахборот ягона портали “openinfo.uz”га тегишли эълон берилганлиги ва боқарув раиси лавозимига қуйидаги талаблар қўйилганлиги, яъни:

ёши: 35 дан 55 ёшгача;

олий маълумотли бўлиши;

корпоратив бошқарув тамойилларини билиши;

тим-менеджмент (гуруҳ билан ишлаш ва бошқариш) да етарли тажрибага эга бўлиши;

иқтисодий билим ва кўникмаларга эга бўлиши;

виночилик соҳасини жадал ривожлантириш, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиялари ҳамда реализация қилиш соҳасида замонавий билимга эга бўлишилиги кўрсатиб ўтилди.

Мазкур эълон бўйича жамитяга 3 нафар номзод томонидан эълонда белгиланган талаблар доирасида ўзи ҳақидаги ҳужжат ва маълумотлари ёпиқ (махсус) конвертларда тақдим этилган.

Танлов шартлари асосида, Комиссия аъзолари томонидан танловга келиб тушган барча конвертлар кўздан кечириб чиқилган ҳамда барча конвертларнинг ёпиқлиги ва бутлигига ишонч ҳосил қилиниб, эътирозлар мавжуд эмаслиги маълум қилинган.

Шундан сўнг, конвертларнинг ҳар бири бирма-бир очилиб, ҳар бир конверт ичидаги номзод тўғрисида ва номзод бўйича тақдим этилган маълумотлар (ҳужжатлар) эълон қилинган ҳамда Комиссия аъзоларига тақдим қилинган.

Ҳар-бир конверт навбат билан кетма-кетликда очилганидан сўнг, конвертдаги маълумотлар (ҳужжатлар)га асосан "Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати" АЖ ижроия органининг раҳбарлик лавозимларига танлов ўтказиш ва номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 1-иловасида тасдиқланган ҳамда белгиланган мезонларнинг жами йиғиндиси 100 баллни ташкил этадиган Маълумотнома ёрдамида баҳолаш амалга оширилиб, ҳар бир маълумотнома Комиссия аъзолари томонидан имзоланган.

Танловда қатнашиш учун ариза топширган номзодлар қуйидаги балларни тўплаган, жумладан:

1. Мухаммадиев Одил Камарович - 20 балл.
2. Казаков Джамшит Рафикович - 23 балл.
3. Нуриддинов Хушвақт Қахрамонович - 37 балл.

"Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати" АЖ ижроия органининг раҳбарлик лавозимларига танлов ўтказиш ва номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги Низом талабларида танловда иштирок этиш учун 1 нафар номзоддан аризалар келиб тушган тақдирда, комиссия қайтадан номзодларни излаш чораларини кўради. Кетма-кет 3 марта номзодларни излаш бўйича танлов эълон қилингандан сўнг, 1 нафардан ортиқ номзоддан аризалар келиб тушмаса, комиссия ариза берган номзодни вақтинчалик сайлаб туриш бўйича тавсия беришга ҳақли эканлиги белгиланган.

Шунга мувофиқ, жамият бошқарув раиси лавозимига ўтказилган танловда иштирок этиш учун 3 нафар талабгордан аризалар келиб тушиб, бу эса ўз навбатида Низом талабларига мувофиқ эканлигини таъкидлади.

"Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати" АЖ ижроия органининг раҳбарлик лавозимларига танлов ўтказиш ва номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги Низом талабларида Комиссия танлов жараёнларини икки босқичда амалга оширади.

Биринчи босқичда комиссия номзодларни улар томонидан тақдим этилган ҳужжат ва маълумотлар, шунингдек қўшимча манбаа ва ўрганишлардан олинган маълумотлар асосида баҳолайди, баҳолаш натижалари ва номзоднинг аризалари (ёпиқ конверт)ни очиш жараёнидаги иштироки пайтидаги қисқа фикрлари, таклифлари ва режаларидан келиб чиқиб, номзодлар ичидан суҳбат босқичига номзодлар саралаб олинади.

Иккинчи босқичда комиссия саралаб олинган номзодлар ичидан битта номзодни танлаш учун суҳбат ўтказилади.

Шунга кўра, Комиссия томонидан "Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати" АЖ ижроия органининг раҳбарлик лавозимларига танлов ўтказиш

ва номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги Низом талабларида белгиланган тартибда Нуриддинов Хушвақт Қахрамонович билан 2023 йил 20 октябрда онлайн видеконференция режимида суҳбат ўтказилган ва номзоднинг касбий билим ва кўникмаларини баҳолаш кўрсаткичлари қониқарли бўлганлиги сабабли Нуриддинов Хушвақт Қахрамонович номзоди жамият Кузатув кенгаши томонидан сайлаш учун киритилган "Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати" АЖ бошқарув раиси лавозимига ўтказилган танлов якуни бўйича жамият бошқарув раиси лавозимига танлов ғолиби деб топилган Нуриддинов Хушвахт Кахрамонович номзоди жамият бошқарув раиси лавозимига тасдиқлаш масаласи бугун ўтказилаётган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига киритилганлигини маълум қилди.

Шунингдек, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 20 ноябрдаги 02/09-3-17/550-сонли Кўрсатмасида кун тартибидаги бешинчи, Давактив агентлигининг 2023 йил 6 октябрдаги 02/09-3-20/124-сонли хати ижросини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, яъни, жамият Бошқарув раисини ўтказилган танлов натижаларидан келиб чиқиб сайлаш масаласи юзасидан, ушбу лавозимга танлов ўтказилганлигини ҳамда кузатув кенгаши танлов натижаларидан келиб чиқиб, жамият бошқарув раиси лавозимига Х.Нуриддинов номзодини тавсия этганлигини инобатга олиб, ушбу масала бўйича **"ёқлаб"** овоз бериш мақсадга мувофиқлиги қайд қилинган.

Йиғилиш раиси ўз нутқи якунида "Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати" АЖ Бошқарув раиси лавозимига ўтказилган танлов ғолиби Нуриддинов Хушвахт Кахрамонович уч йиллик муддатга тайинланиши ва у билан меҳнат шартномаси имзоланишини овозга қўйди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор - 2 541 820 та овоз, 100%, қарши - 0, бетараф - 0.

Кун тартибидаги олтинчи масала *("Ховренко номидаги Самарканд вино комбинати" АЖ кузатув кенгаши аъзоларини уч йиллик муддатга сайлаш)* бўйича йиғилиш раиси сўзни давом эттириб, "Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати" АЖ устав капиталидаги давлат улушига тегишли 71,18 фоиз акцияларга эга бўлган акциядор - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан 2023 йил 7 августдаги 03/09-3-17/4018-сонли хати билан "Давлат мулкини бошқариш тўғрисида"ги Қонунининг 43 ва 44-моддаларига асосан жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига давлат улуши бўйича 6 нафар номзодлар рўйхати киритилган.

"Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати" АЖ устав капиталидаги 11,5 фоиз акцияларга эга бўлган акциядор - МЧЖ шаклидаги "Marokand Pensilvania Trede" қўшма корхонасининг 2023 йил 5 июлдаги 79-сонли хати билан кузатув кенгаши таркибига М.Ш.Неъматов номзодини киритган.

Йиғилиш раиси жамият кузатув кенгашига акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланиши учун қуйидаги 7 нафар номзодлар киритилганлигини тасдиқлаш масаласини овозга қўйди.

т/р	ФИШ	Иш жойи ва лавозими
1.	Нуралиев Рустам Тургунович	Давактив агентлиги ҳузуридаги Тадқиқотлар маркази бўлим мудири
2.	Суюнов Дилмурод Холмурадович	Тадбиркорлик ва бизнес олий мактаби кафедра мудири, бўлим бошлиғи
3.	Бўтабаев Мехриддин Шахабидинович	Давактив агентлиги ҳузуридаги Тадқиқотлар маркази илмий ходими
4.	Амонов Отабек Олимжон ўғли	Давактив агентлиги Бош мутахассиси
5.	Иброхимов Мирзо Улуғбек Ботиржон ўғли	Давактив агентлиги етакчи мутахассиси
6.	Жуманиязов Мардонбек Шухрат ўғли	Давактив агентлиги етакчи мутахассиси
7.	Неъматов Мохир Шухратович	“Marokand Pensilvania Trede” МЧЖ қўшма корхонаси вакили

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор - 2.541.820 та овоз, 100%, қарши - 0, бетараф - 0.

Кун тартибида кўриб чиқилган масалалар бўйича билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда овоз бериш натижаларига кўра умумий йиғилиш,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Саноқ комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:
Н.М.Зухурова, Р.А.Раджабова, Г.Рузиев.

2. Умумий йиғилиш регламенти қуйидагича тасдиқлансин:
- кун тартибидаги масалалар бўйича сўзга чиқиш учун - 5 дақиқа;
- кун тартибидаги масалалар бўйича савол-жавоблар учун - 5 дақиқа;
-овоз бериш ва бюллетенларни йиғиш учун - 10 дақиқа;

3. “Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖнинг янги таҳрирдаги “Корпоратив бошқарув қоидалари”, Устави, “Жамият кузатув кенгаши тўғрисида Низом” ҳамда “Жамият ижроия органи тўғрисида Низом” тасдиқлансин.

4. “Ховренко номидаги Самарканд вино комбинати” АЖ томонидан “Корпоратив бошқарув қоидалари” тавсияларини ўз фаолиятига қабул қилганлиги тўғрисида хабар бериш шакли иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 20 ноябрдаги 02/09-3-17/550-сонли Кўрсатмаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин:

5.1. “Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖнинг собиқ бошқарув раиси **Азимов Хамза Субхонович** ўз ҳоҳишига кўра 2023 йил 7 августда ёзган аризасига асосан эгаллаб турган лавозимидан озод этилганлиги инобатга олинсин;

5.2. “Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖ Бошқарув раиси лавозимига ўтказилган танлов ғолиби **Нуриддинов Хушвахт Кахрамонович** уч йиллик муддатга тайинлансин ва у билан меҳнат шартномаси тузилсин;

5.3. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда жамият Устави талабларига мувофиқ жамият бошқарув раиси Х.Нуриддинов ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда акциядорлар, жамиятга зарар етказилмаган ҳолда уларнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда **моддий жавобгар шахс эканлиги қатъий белгилаб қўйилсин**;

5.4. “Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖнинг **янги таҳрирдаги Уставини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши**ни таъминлаш вазифаси жамият бошқарув раиси Х.Нуриддинов зиммасига юклатилсин.

6. “Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖ кузатув кенгаши аъзолигига **Нуралиев Рустам Тургунович, Суюнов Дилмурод Холмурадович, Бўтабаев Мехриддин Шахабидинович, Амонов Отабек Олимжон ўғли, Иброхимов Мирзо Улуғбек Ботиржон ўғли, Жуманиязов Мардонбек Шухрат ўғли ҳамда Неъматов Мохир Шухратович**лар уч йиллик муддатга сайлансин ва тасдиқлансин.

Йиғилиш раиси акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалалар батафсил кўриб чиқилганлигини маълум қилди ва умумий йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Баённома 2023 йил “30” ноябрда тузилди ва имзоланди.

Йиғилиш раиси **С.У.Махмараимов**

Йиғилиш котиби **С.Ашурова**

Баённома билан танишдим ва ижро учун қабул қилдим: Х.К.Нуриддинов

Утверждено
общим собранием акционеров
АО" Самаркандский винкомбинат имени Ховренко"
_____2024 г

БИЗНЕС - ПЛАН

НА 2024 год

АО "Самаркандский винкомбинат имени Ховренко"

Агентство по управлению госактивами
по Самаркандской области

Одобрен Наблюдательным
советом акционерного общества

Протокол № 7 от "31 " октября 2023 г

Самарканд - 2023 год

Акционерное Общество
“Самаркандский винкомбинат имени. Ховренко”

/наименование предприятия/

Республика Узбекистан, Самаркандская область

104100 г. Самарканд , ул. Кошгари, д. 58

тел: 233-16-11, факс 233-04-31

140100, г.Самарканд, ул.М.Кошгари, 58
Факс: 2 33-07-07, Тел: 2 33-10-23
р/с 20210000900216385001
«Узмиллий банк», Самаркандской обл.
МФО 00317, ИНН 201538312, ОКОНХ 18143

Управление Юстиции Хокимията Самаркандской области

№ 239 от 11 апреля 1995 г.

/регистрационный номер, дата регистрации в Министерстве юстиции РУз/

Хокимият города Самарканда регистрация 10576 от 2013 год 22 октябрь Свидетельство № 01271

/регистрационный номер, дата регистрации в областном хокимияте/

№ 791 к - ПО от 29 декабря 1994 г., ордер № 842 от 27 января 1995 г.

/номер приказа, дата регистрации в Госкомимуществе РУз о создании предприятия/

акционерная

/форма собственности/

/вышестоящая организация/

I. Информация об обществе:

1.1. Реквизиты общества, общие сведения о предприятии.
1.2 .История общества.
1.3. Имеющиеся производственные мощности и их использование.
1.4 Организационная структура предприятия и аппарата управления
1.5.Кадровая политика, персонал, сведения о членах правления, социальная защита.
1.6. Роль и значение предприятия на рынке, в т.ч. на мировом рынке.
1.7. Система менеджемента качества.

II. **Реформирование предприятия**

2.1. Перспективная стратегия развития.
2.2. Цели и этапы реформирования.
2.3. План по реформированию на 2024г.

III. **Рынок и концепция маркетинга**

3.1. Анализ рынка
3.2. Положение на рынке. Основные потребители продукции.
3.3. Конкурентная среда.
3.4. Маркетинговый план.
IY. SWOT – анализ
Y. Обеспеченность энергоресурсами
YI. Прогноз
6.1 Прогноз производства продукции.
6.1.1. Сырьевая база.
6.1.2. Характеристика готовой продукции
6.1.3. Основные показатели производства продукции (за последние 3 года).
6.1.4 Прогноз производства и реализации продукции.

YII. Финансовый план.

7.2.1 Основные финансовые показатели предприятия (за последние 3 года).
7.2.2. Прогноз финансово- экономических показателей.
7.2.3. Основной источник доходов (прогноз цен).
7.2.4. Оптимизация затрат
7.2.5. Прогноз денежных потоков.
7.2.6. Финансовая устойчивость, ликвидность и платежеспособность, задолженность (внутренняя и внешняя). Кредиты.
7.2.7. Прогноз уплаты налогов в бюджет.

YII. Ключевые показатели эффективности.
YIII. Порядок оплаты труда на предприятии.
IX. Прогноз экспорта.
X. Управление рисками.
XI. Экология, влияние на окружающую среду.
XII Приложения:
12.1. Прогноз производства продукции.
12.2. Основные параметры снижения себестоимости выпускаемой продукции.
12.3. Ожидаемый баланс на 2024г. (по кварталам)
12.4. Ожидаемый отчет о финансовых результатах за 2024 г (по кварталам).
12. 5. Смета расходов и доходов.
12.6. Прогноз ключевых показателей эффективности на 2024 г.

2020	Казахстан	Спирт коньячный	103	27,9
2021	Казахстан	Спирт коньячный	202	196,1
2023	Казахстан	Спирт коньячный	353	174,7

Основным видом продукции, экспортируемым комбинатом, является спирт коньячный, приобретаемый инопартнером для последующей переработки. Отгрузка готовой продукции, разлитой в стеклянную тару, представляется нерентабельной вследствие высоких издержек по транспортировке и перемещению.

. АО « Самаркандский винкомбинат имени. Ховренко» обладает существенным потенциалом для осуществления производственной деятельности на рынке алкогольной продукции.

Предприятие специализируется на выработке виноматериалов, выкурке спирта коньячного и вакуум - сусла, производстве вина сухого, десертного, крепкого, коньяков, ликероводочных изделий. Кроме того, выпускается продукция с длительностью производственного цикла более 2 лет (марочные вина, коньяки).

В настоящее время комбинатом выпускается 7 наименований вина виноградного, 4 вида коньяка и 17 наименований водки и ликероводочных изделий. Специалистами предприятия ведется постоянная работа по расширению ассортимента выпускаемой продукции.

1.2 История создания общества

Самаркандский винкомбинат им.Ховренко был образован в 1868 году торговым предпринимателем Д.Л.Филатовым. В городе Самарканде было основано небольшое предприятие по производству вин и коньков, где перерабатывался виноград местных сортов производительностью 10-12 тыс. дал вина в год.

В 1870 году на городском участке впервые на небольшой площади был заложен опытный виноградник, в основном, с местными сортами и небольшим количеством европейских сортов винограда.

В 1918 году фирма Д.Л.Филатова прекратила свою деятельность, как частное хозяйство. С декабря 1918 года товарищество «Д.Филатов Ко» находилось в ведении Совнархоза.

25 ноября 1919 года была проведена национализация винодельческих предприятий на основании приказа № 21 от 30 апреля 1919 года отдела винодельческой промышленности Совнархоза.

С 1926 г. по 1930 г. проводилась первая реконструкция завода. Для замены ручного труда было закуплено передовое технологическое оборудование для переработки винограда и обработки виноматериалов.

Специалисты завода начали большую работу по выпуску вин новых марок. В этой работе большую помощь заводу оказал крупнейший ученый, винодел, профессор М.А.Ховренко, работающий в то время главным виноделом треста «Узбеквино», чьё имя носит завод в настоящее время. Впервые в виноделии были разработаны технологические схемы по производству новых марочных вин, получивших мировую известность: вина «Гуля Кандоз», «Алеатико», «Мускат Узбекистанский», «Бахор», «Буаки», «Фарход» и др.

С 1946 г. создаются Министерства по отраслям промышленности, и в состав Министерства пищевой промышленности в этот период вошел Самаркандский винзавод.

Вторая большая реконструкция завода была в 1956 году, в этом году был начат монтаж стеклопровода, на территории № 2 пущен в действие артезианский колодец, осуществлена подводка высоковольтной линии, установлены весы грузоподъемностью 10 тонн.

В 1962 году произведена газификация цеха № 2 и сдан в эксплуатацию вакуум-выпарной аппарат.

С 1966 г. по 1972 год произведена реконструкция цеха по производству винно- каменной кислоты, сданы в эксплуатацию две коньячные перегоночные установки.

Выработка вин достигла 90,0 тыс. дал в год, ассортимент расширился до 28 наименований. Коньяка выпускалось ежегодно до 53 тыс. дал четырех наименований и 11 марок ликероводочных изделий.

Завод много раз принимал участие в Международных и Всесоюзных дегустациях по качеству вин (Югославия, Венгрия, Чехословакия, ГДР, Тбилиси, Ялта, Ленинград, Алма-Ата, ВДНХ СССР), по итогам которых вина завода удостоены золотыми, серебряными и бронзовыми медалями.

1.Общие сведения о предприятии.

1.1 Полное наименование предприятия: Акционерное общество « Самаркандский винкомбинат имени Ховренко».
Краткое: АО « Самаркандский винкомбинат имени Ховренко»
Виды деятельности: производство вина виноградного, коньяка, водки и ликероводочных изделий, выкурка спирта коньячного, вакуум- сусла, заготовка и переработка винограда, выработка виноматериалов.
Отрасль: виноделие
Адрес: Республика Узбекистан, 140100, г.Самарканд, ул.М.Кошгари,58.
Реквизиты предприятия: ИНН 201538312, ОКОНХ 18143, МФО 00278, ОКПО 00405725
ОКЭД 11010 oao.vinzavodxovrenko@mail.ru
Форма собственности : акционерная
Уставный капитал- 3275172 тыс.сум, где доля государства 71,18% или 2331267 тыс.сум, физические лица- 28,82 % или 943905 тыс.сум.
Выпущено акций: 3066640 штук.
Расчетный счет: 20210000900216385001 в обслуживающем банке « Узмиллийбанк»
Основные направления деятельности предприятия : заготовка и переработка винограда, выработка виноматериалов, розлив вина виноградного, коньяка, водки и ликероводочных изделий, выкурка спирта коньячного, выработка вакуум- сусла.

Свою деятельность акционерное общество осуществляет на основании Устава, согласно которого основными правами предприятия являются:

-закупка сельхозпродукции у юридических и физических лиц, хранение, переработка и реализация юридическим и физическим лицам Республики. Закупка различных товаров, не запрещенных законодательством Республики Узбекистан, переработка сельхозпродукции, предназначенной для виноделия;

-организация производства и реализации различных спиртных и безалкогольных напитков, производство водки и ее реализация;

-оказание маркетинговых услуг, организация платных услуг, не запрещенных законом, закупка товаров;

-производство виноградного вакуум - сусла;

-производство виноматериалов, коньячного спирта и их переработка для получения готовой продукции- коньяка;

-отправка на экспорт готовой продукции;

-прочая деятельность в соответствии с законодательством Республики Узбекистан.

Паспорт предприятия:

Общая площадь- 10,48 га, в т.ч. производственная- 1,9 тыс.кв.м, административные здания- 500 кв.м

Количество работников-160 чел.

Виды выпускаемой продукции - вино виноградное, коньяк, водка и ликероводочные изделия, дистиллят коньячный.

Основное сырье- виноград, спирт-ректификат.

Объем экспорта АО « Самаркандский винкомбинат имени Ховренко» за 2012-2023г.г

Годы	Страна	Наименование продукции	Сумма тыс.долл	Темп роста к предыд.году
2012	Киргизия	Спирт коньячный	127,2	96
2013	Россия	Спирт коньячный	207,1	162,8
2014	Россия	Спирт коньячный	476	В 2,3р
2015	Россия	Спирт коньячный	792	В 1,7р
2017	Россия	Спирт коньячный	315	40
2018	Киргизия	Спирт коньячный	82	26
2019	Россия,Казахстан	Спирт коньячный	369	В 4,5р

1.3 Использование производственных мощностей предприятия.

В настоящее время установленная производственная мощность по комбинату составляет: по розливу вина виноградного- 105 тыс. дал, коньяка- 61,0 тыс. дал, водки и ликероводочным изделиям -580,0 тыс., выработке спирта коньячного- 46 тыс.дал

№	Виды продукции	Мощность	Использование мощности										2024 г
			2019 г		2020г		2021 г		2022 г		2023 г		
			розлив	%	розлив	%	розлив	%	розлив	%	розлив	%	
1	Вино виноградное	105,0	55	55	57	57	60	60	16	15,2	10	9,5	30
2	Коньяк	61,0	50	166,7	23	76,7	15	25	11	18	8	13,1	20
3	Водка и ликероводочные изделия	580,0	134	22	76	12,5	80	13,8	40	6,9	25	4,3	100
	Итого	746,0	239	32,3	156	21,1	155	20,8	67	9,0	43	5,8	150

К А Р О Р К И Л А Д И:

1.“Ховренко номидаги Самарканд вино комбинати “ акциядорлик жамияти Бошкаруви куйдаги таркибда тасдиклансин :

- бошкарув раиси Нуриддинов Хушвахт Кахрамонович
- бошкарув райси уринбосари Нуриддинов Икром Кахрамонович
- бош хисобчи Чаршанбаев Олим Ишпулатович
- ,хавфсизлик хизмати бошлиги Зайниев Шерзод Абдухошимович
- бош технолог Рузиев Ганишер Каримович
- булим бошлиги Раджабова Рано Анваровна
- бош хисобчи уринбосари Н.М.Зухурова

Кузатув кенгаши раиси : **С.У.Махмараимов**

Кузатув кенгаши котиби : **С.Ашурова**

“XOVRENKO NOMIDAGI SAMARQAND VINO KOMBINATI”
акциядорлик жамияти кузатув кенгаши мажлисининг

«XOVRENKO NOMIDAGI SAMARQAND VINO KOMBINATI»
aksiyadorlik jamiyati кузатув кенгаши мажлисининг
01 - сонли баённомаси

2021 йил 24 август куни Самарқанд шаҳри

Мажлисда қатнашдилар:
Кузатув кенгаши аъзолари: **А.М.Ахтамов**
С.У.Махмараимов
А.М.Мухамадкулов
Б.А.Маматов
А.А.Юсупходжаев
Ш.А.Абдимажитов
М.Ш. Неъматов

Кворум 100,0 %.

Таклиф этилганлар:

1. Х.С.Азимов - жамият бошқарув раиси в.в.б;
2. У.Н.Шарипов- жамият бошкарув раиси уринбосари
3. М.Суяров - жамият бош ҳисобчиси;
4. И.К.Нуриддинов - жамият бош мухандиси
5. Р.А.Раджабова – жамият булим бошлиги
6. Ж.Джумаев – жамият бош технологи

Мажлис раиси этиб А.М.Мухамадкулов бир овоздан сайланди.

Мажлис раиси А.М.Мухамадкулов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 78-моддасига асосан, кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум жамият уставида белгилаб қўйилади, бироқ у кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг, етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги кераклигини таъкидлаб ўтди ҳамда йиғилишда кузатув кенгаши аъзоларидан 7 таси қатнашаётганлигини ва мажлис кворуми 100,0 фоизни ташкил этилганлигини инобатга олиб, мажлисни очиқ деб эълон қилди.

Мажлис раиси ушбу таклифни инобадга олган холда кун тартибини овозга куйди.
Овоз бериш натижалари :
Розиликни 7 овоз билдирди, карши овоз йук, бетараф овоз йук

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. Кузатув Кенгаши раисини сайлаш ва котибини тайинлаш.
2.Кузатув кенгаши аъзоларининг назорат киладиган сохалари ва иш фаолияти йуналишларини таксимлаш хамда Кузатув кенгашининг 2021-2022 йилларга иш режасини тасдиклаш.
3.Жамият Бошкаруви аъзоларини сайлаш.

Кун тартибидаги биринчи масала буйича А.М.Мухамадкулов маъруза килдилар,Узбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 февралдаги "Давлат активларини хусусийлаштириш жараёниниянада жадаллаштириш тугрисида"ги ПФ-6167-сонли Фармонининг 2-иловасига мувофик "Ховренко номидаги Самарканд вино комбинати" АЖ устав капиталидаги 71.2 фоиз давлат улуши номинал кийматида "Uz Assets" акциядорлик жамияти давлат улушини ошириш хисобига берилганлиги ва жамият акциядорларини 2021 йил 30 июньдаги умумий йигилиши карорига асосан жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари янги таркибда сайланганлигини маълум килди. Шу муносабат билан Узбекистон Республикаси " Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тугрисида"ги Конуннинг 77-моддаси талабларига асосан янги сайланган Кузатув кенгаши аъзолари орасидан Кузатув кенгаши раисини сайлаш лозимлигини маълум килди.

Узбекистон Республикаси Давлат активларини бошкариш агентлиги хузуридаги "Uz Assets" акциядорлик жамиятига "Ховренко номидаги Самарканд вино комбинати" АЖ устав капиталидаги 71.2 фоиз акциялар пакетини сотишга тайёрлаш ва сотишни ташкил этиш юклатилганлигини инобадга олиб, Кузатув кенгаши раислигига Давлат активларини бошкариш агентлиги Самарканд вилояти худудий бошкармаси бошлиги Сухроб Уктамович Махмараимов номзодини сайлашни таклиф этилди.

Шунингдек, утган йиллар давомида Кузатув кенгаши йигилишларини, акциядорларни умумий йигилишларини утказилишини тайёрлашда ва кейинчалик тегишли хужжатларни расмийлаштиришда бажариладиган тадбирларни уз вактида ва сифатли амалга оширишга кумаклашган жамият ходими С.Ашуровани Кузатув кенгаши котибалигига тайинлаш хакида таклиф киритди..

Ушбу таклифлар Кузатув кенгаши аъзолари томонидан атрофлича мухокама килинганидан сунг овозга куйилди.

Овоз бериш натижаси:

Розиликни 7 та овоз билдирди, "Карши" овоз йук, "Бетараф" овоз йук

Кун тартибидаги масала юзасидан кузатув кенгаши

К А Р О Р К И Л А Д И:

1.Жамият Кузатув кенгаши раиси этиб Давлат активларини бошкариш агентлиги Самарканд вилояти худудий бошкармаси бошлиги Сухроб Уктамович Махмараимов сайлансин;

2. Жамият Кузатув кенгаши котибаси этиб "Ховренко номидаги Самарканд вино комбинати" АЖ ходими С.Ашурова тайинлансин.

Кун тартибидаги иккинчи масала буйича Кузатув кенгаши раиси С.У.Махмараимов сузга чикиб, Кузатув кенгаши иш фаолиятини самарасини ошириш, жамиятда корпоратив бошкарув тизимини такомиллаштириш максадида, кузатув кенгаши аъзоларининг назорат киладиган сохалари ва иш фаолияти йуналишларини таксимлаш хамда акциядарларнинг навбатдаги йиллик умумий йигилишига кадар кузатув кенгашининг иш режасини тасдиклаш таклифини киритди.

Кун тартибидаги масала атрофлича мухокама килингандан сунг, овозга куйиш учун куйдаги таклифлар киритилди:
1.Кузатув кенгаши аъзоларининг назорат киладиган сохалари ва иш фаолияти йуналишлари таксимоти 1- иловага мувофик тасдиклаш;
2. Кузатув кенгашининг иш режаси 2-иловага мувофик тасдиклаш:
3.Жамият ижроия органи рахбари в.в.б (Х.С.Азимов)га Кузатув кенгаши иш-режасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун тегишли хужжатларни тайёрланиши ва такдим этилишини доимий назоратга олиш юклатилсин;
-Кузатув кенгаши райси,аъзолари ва котиби хамда тафтиш комиссияси аъзоларига хак тулашни жамият акциядорларининг 2017 йил 24 июндаги умумий йигилиш карори билан тасдикланган "Ховренко номидаги Самарканд вино комбинати" АЖ жамият бошкаруви раиси ва аъзоларини, кузатув кенгаши раиси,аъзоларини ва котибини, тафтиш комиссияси аъзоларин,ички аудит хизмати ходимларини ва мехнат жамоа аъзоларини моддий рагбатлантириш механизмини такомиллаштириш тугрисида"ги Низомда белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш юклатилсин;
Ушбу таклифлар Кузатув кенгаши аъзолари томонидан атрофлича мухокама килинганидан сунг овозга куйилди.

Овоз бериш натижаси:
Розиликни 7 та овоз билдирди, "Карши" овоз йук, "Бетараф" овоз йук

Кун тартибидаги масала юзасидан кузатув кенгаши
К А Р О Р К И Л А Д И:

1.Кузатув кенгаши аъзоларининг назорат киладиган сохалари ва иш фаолияти йуналишлари таксимоти 1- иловага мувофик тасдиклансин;
2. Кузатув кенгашининг иш режаси 2-иловага мувофик тасдиклансин:
3.Жамият ижроия органи рахбари в.в.б (Х.С.Азимов)га Кузатув кенгаши иш-режасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун тегишли хужжатларни тайёрланиши ва такдим этилишини доимий назоратга олиш юклатилсин;
-Кузатув кенгаши раиси,аъзолари ва котиби хамда тафтиш комиссияси аъзоларига хак тулашни жамият акциядорларининг 2017 йил 24 июндаги умумий йигилиш карори билан тасдикланган "Ховренко номидаги Самарканд вино комбинати" АЖ жамият бошкаруви раиси ва аъзоларини, кузатув кенгаши раиси,аъзоларини ва котибини, тафтиш комиссияси аъзоларин,ички аудит хизмати ходимларини ва мехнат жамоа аъзоларини моддий рагбатлантириш механизмини такомиллаштириш тугрисида"ги Низомда белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш юклатилсин;

Кун тартибидаги учинчи масала буйича Кузатув кенгаши раиси С.У.Махмараимов сузга чикиб, жамият акциядорларини 2018 йил 20 декабрь куни утказилган навбатдан ташкари умумий йигилиши билан тасдикланган жамият Уставини янги тахрирининг 11.3 бандига асосан жамият ижроия органи кузатув кенгаши томонидан сайланиши курсатилганлигини таъкидлади. Бундан ташкари Уставнинг 12.1 бандида жамият ижроия органи 7 кишидан иборат

булиши курсатилган. Жамият акциядорларини 2021 йил 30 июньдаги умумий йигилишида жамият бошкаруви раиси билан шартнома имзолаш масаласи навбатдан ташкари чакириладиган умумий йигилишида амалга оширилиши хакида карор кабул килинганлигини инобадга олиб, бугун бизлар жамият бошкарувига 7-та номзод сайлашимиз мумкин деб курсатдилар. Жамият ижроия органига корхона ривожланиши ва фаолиятини такомиллаштиришга уз иши билан катта таъсир курсатадиган маъсулиятли лавозимларда ишлайдиган ходимлардан иборат булса иш самарадорлиги ошишига олиб келади деб таъкидладилар. Шу принципдан келиб чикган холда жамият бошкарувига бошкарув раиси в.в.б Х.С.Азимовни, бошкарув раиси уринбосари У.Н.Шариповни, бош хисобчи М.С.Суяровни, бош мухандис И.К.Нуриддиновни, бош технолог Ж.Джумаевни, режалаштириш булими бошлиги Р.А.Раджабова, бош хисобчи уринбосари Н.М.Зухурова номзодларини сайланиши максадга мувофик деб билдирдилар ва уларнинг иш фаолияти хакидаги Маълумотномалар билан кузатув кенгаши аъзоларини таништирдилар.
Ушбу таклиф Кузатув кенгаши аъзолари томонидан атрофлича мухокама килинганидан сунг овозга куйилди.

Овоз бериш натижаси:
Розиликни 7 та овоз билдирди, "Карши" овоз йук, "Бетараф" овоз йук

Кун тартибидаги масала юзасидан кузатув кенгаши
К А Р О Р К И Л А Д И:

1."Ховренко номидаги Самарканд вино комбинати " акциядорлик жамияти Бошкаруви куйдаги таркибда тасдиклансин :

- бошкарув раиси в.в.б Х.С.Азимов,
- бошкарув раиси уринбосари У.Н.Шарипов,
- бош хисобчи М.С.Суяров,
- бош мухандис И.К.Нуриддинов,
- бош технолог Ж.Джумаев,
- булим бошлиги Р.А.Раджабова
- бош хисобчи уринбосари Н.М.Зухурова

Кузатув кенгаши раиси : **С.У.Махмараимов**

Кузатув кенгаши аъзолари: **А.М.Ахтамов**

А.М.Мухамадкулов

Б.А.Маматов

А.А.Юсупходжаев

Ш.А.Абдимажитов

М.Ш. Негматов

Котиба: С.Ашурова

Баённома билан танишдим ва ижро учун кабул килдим _____ Х.С.Азимов

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

Самарқанд шаҳар ҳокимияти
ҳузуридаги “Давлат хизматлари
маркази”
2023 йил « » ноябрь
рақам билан

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGI
SAMARQAND VILOYAT
ADLIYA BOSHQARMASI
SAMARQAND SHAHAR
DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI
RO'YXATGA OLINDI
« 22 » 12 2023 y.
№ 2339708

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«XOVRENKO NOMIDAGI
SAMARQAND VINO KOMBINATI»
aksiyadorlik jamiyati
акциядорларининг умумий
йигилишининг
2023 йил 22 ноябрьдаги умумий
йигилишининг
карори билан

«XOVRENKO NOMIDAGI SAMARQAND VINO KOMBINATI»
aksiyadorlik jamiyati
УСТАВИ
(янги таҳрири)

Самарқанд шаҳри - 2023 й.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (матн давомида - Қонун) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (06.05.2014й. ЎРҚ-370-сон) ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.3. «Ховренко номидаги Самарканд вино комбинати» акциядорлик жамияти, бундан кейин «жамият» деб номланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасининг 1994 йил 29 декабрдаги 791-ПО-сонли Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинатини очиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантириш тўғрисидаги буйруғига мувофиқ ташкил этилган.

Жамият Самарқанд вилояти адлия бошқармасида 1995 йил 11 апрел куни 239-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Янги таҳрирдаги Устав 2018 йил 24 декабрьда Самарқанд шаҳар ҳокимлиги Давлат хизматлари Маркази томонидан рўйхатдан ўтказилган жамиятнинг Уставига асосан ишлаб чиқилган.

1.4. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида:

кирилл алифбосида - «Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати» акциядорлик жамияти;

лотин алифбосида - «XOVRENKO NOMIDAGI SAMARQAND VINO KOMBINATI» aksiyadorlik jamiyati.

Рус тилида:

Акционерное общество «Самаркандский винкомбинат имени Ховренко».

Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

Ўзбек тилида:

кирилл алифбосида - «Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати» АЖ;

лотин алифбосида - «XOVRENKO NOMIDAGI SAMARQAND VINO KOMBINATI» AJ.

Рус тилида:

АО «Самаркандский винкомбинат имени Ховренко».

1.5. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган муддатга ташкил этилган.

1.6. Жамият ўз мақсади ва фаолиятига кўра ўз номидан шартномалар ва бошқа келишувларни тузиш, мулкий ва номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ва мажбуриятларни бажариш, хўжалик ва бошқа судларда даъвогар ёки жавобгар бўлиши мумкин.

1.7. Жамият Ўзбекистон Республикасида ҳаракатдаги қонунларга асосан:

а) Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида ва ундан ташқарида юридик ва жисмоний шахслар билан турли йўналишдаги хатти ҳаракатларни амалга оширади ва қонуний ҳужжатларни тузади;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва чет эл мамалакатларида узининг бўлинмаларини, тизимий бирликларини, қўшма корхоналарини ва ваколатхоналарини ташкил этади;

в) ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширади;

г) холдингларга, концернларга, ассоциацияларга ва бирлашмаларга киради;

д) Ўзбекистон Республикасида ҳаракатдаги қонунчиликларда юридик шахсларга берилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланади.

1.8. Жамият ўзининг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий фаолиятини Ўзбекистон Республикасида ҳаракатдаги қонунлар ва қонунчилик актлар асосида ҳамда мазкур Устав асосида олиб боради.

1.9. Жамият юридик шахс бўлиб, ўз номидаги муҳрига ва мустақил балансига, миллий ва чет эл валютаси бўлган ҳисоб ва бошқа счет рақамларига эгадир. У ўз номидан шартномалар тузади, мулкий ва шахсий-номулкий ҳуқуқларга эга бўлади ва шу мажбуриятларни бажаради. Судда, хўжалик ва хакамлик судларида даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.10. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлайдилар.

1.11. Акциялар ҳақининг ҳаммасини тўламаган акциядорлар жамият мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

1.12. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.13. Жамият филлиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши мумкин. Улар жамият томонидан ташкил этилган мулк билан узларини таъминлайди ва жамият тасдиқланган низомлар асосида иш кўради.

Филиал ёки ваколатхонанинг раҳбари жамият томонидан тайинланади ва жамият берилган ишончнома асосида иш кўради.

1.14. Жамият акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

Шўъба хўжалик жамияти ўзининг асосий жамияти мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.15. Жамият бошқа жамият иштирокчиси (таъсисчиси) бўлиши, холдингларга, бирлашмаларга, ассоциацияларга, концернларга кириши мумкин.

1.16. Жамият узининг пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси ва чет мамлакатлари банк муассасаларида жорий ҳамда бошқа ҳисобларида сақлайди. У барча хазинавий, ҳисоб-китоб ишларини мавжуд қоидалар асосида амалга оширади.

Жамият ҳисобидан пул кўчириш ёки бериш, жамият Бошқарув раиси ва бош ҳисобчи қарори билан амалга оширилади.

1.17. Жамият мустақил равишда ишлаб чиқариш ва хўжалик режаларини ишлаб чиқади ҳамда уни тасдиқлайди.

1.18. Жамият узининг Устав фаолиятини бажариш учун:

а) уз фаолиятида, уз иштирокчилари ва ишчиларнинг автотранспортидан, асбоб ускуналаридан фойдаланади ва ўз навбатида уларнинг эгаларига маълум миқдорда тўловлар тўлайцди;

б) белгиланган тартибда зарурий ҳолда биноларни, иншоотларни, хоналарни, ускуналарни ва асосий фонд кирувчи бошқа мулкларни олади, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва чет элнинг юридик ва жисмоний шахслардан шартнома асосида сотиш ёки ишлаб чиқариш учун зарур бўлган халқ истеъмоли товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, ишлаб чиқариш техника йўналишидаги маҳсулотлар, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари, хом-ашё ва материалларни шартнома асосида олади;

в) мавжуд қоидаларга асосан банк муассасаларидан, юридик ва жисмоний шахслардан узоқ ва қисқа муддатли қарзларни олади;

г) бошқа корхоналарга, ташкилотларга, муассасалар ва шахсларга унга қарашли бўлган биноларни, иншоотларни, ускуналарни транспорт воситаларини, асбобларни, хом-ашёни ва бошқа материал бойликларни сотиш, бериш ижарага бериш, бепул вақтинчалик ишлатиш учун бериш ва уларни балансдан чиқаришга хақлидир;

д) ўз фаолияти ва Уставига кўра давлат, хўжалик, ширкатчилик ва бошқа жамоа ташкилотлари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар билан шартномавий муносабатларни ва бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

1.19. Жамият шарномалар асосида олинган ва узи ишлаб чиқарган маҳсулотларни узи мустақил равишда тасдиқланган нархларга сотилади ёки, зарур ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан бошқариладиган давлат баҳосида сотади.

1.20. Жамият ҳисоб-китоб ва статистик ҳисоботларни белгиланган тартибда олиб боради ва унинг тўғрилиги учун жавоб беради.

1.21. Жамият ишлаб чиқариш, юридик ва тижорат мустақилликга эгадир.

1.22. Жамиятнинг жойлашган ёри (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, М.Қошқари кўчаси, 58-уй. Индекс: 140100.

1.23.Жамиятнинг электрон почта манзили: oao.vinzavodxovrenko@mail.ru, hovrenko@vinsanoat.uz

1.24. Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.xovrenko.uz

II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДЛАРИ

2.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир.

2.2.Жамият асосий мақсадига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қуйидаги турларини амалга оширади:

- вино материаллари, вино коняк, ликер-арок маҳсулотлари ва узумдан спирт-хом-ашё ишлаб чиқариш;

- қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

- озиқ-овқат товарлари ва маҳсулотлари, шарбат, консерва маҳсулотлари, минерал ва ошхона ичимлик сувларини, пиво ва алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш;

- халқ истеъмоли моллари (тикилган кийимлар, атторлик, трикотаж, туқимачилик, ва совғабоп маҳсулотлар, металлдан, ёғочдан, пластмассадан, чармдан, медел) ишлаб чиқариш;

- қурилиш материаллари ва конструкциялар ишлаб чиқариш;

- ишлаб чиқариш техника йўналишдаги маҳсулот ишлаб чиқариш;

- юридик ва жисмоний шахслардан жун, қоракул, кун хом ашёси ва қуруқ меваларни, қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларини, иккиламчи хом ашёни, макулатурани, темир-терсакни тайёрлаш, уларни сотиш ёки саноат асосида қайта ишлашни ташкиллаштириш;

- юридик ва якка шахсларнинг барча маркадаги автомашиналарига ва автотранпортига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш;

- озиқ-овқат товарлари ва маҳсулотлари, ликер ва ароқ маҳсулотлари, коняк, вино, қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари (тикилган кийимлар, атторлик, трикотаж, туқимачилик, ва совғабоп маҳсулотлар, темирдан, ёғочдан, пластмассадан ва теридан маҳсулотлар), ишлаб чиқариш ва техника йўналишидаги маҳсулотлар, ёқилги-мойлаш материаллари, бензин, газ, қурилиш материаллари ва конструкциялари, ускуналар, механизмлар, машиналар, эҳтиёт қисмлар, мебеллар, тиббиёт препаратлар ва дори-дармонлар билан кутара, чакана ва воситачилик савдони ташкил қилиш;

- савдо-сотиб олиш ва савдо воситачилик фаолияти, фирма савдосини ташкил қилиш;

- аудио ва видео аппаратураларни, компютерлар ва оргтехникаларни, алоқа воситаларини, электр-маиший техникани, илғор технологияни, ускуналарни, машиналарни, механизмларни, эҳтиёт қисмларни, мебелни, ишлаб-чиқариш ва техника йўналишидаги маҳсулотларни, озиқ-овқат товарларини ва маҳсулотларини, қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларини, ликер ва ароқ маҳсулотларини, коняк, вино, тиббиёт ускуналарини ва дори-дармонларини импорт қилиш ва уларни юридик ва жисмоний шахсларга кутара ва чакана савдо орқали сотиш.

- юридик ва якка шахсларга коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш (кийим тикиш ателъеси, пояфзал таъмири, кийимларни кимёвий усулда тозалаш, ювиш, сартарошлик, уй-рузғор буюмлар таъмири, аудио видеотехника, телеаппаратуралар таъмири, миллий мусиқа асбобларни таъмирлаш ва тайёрлаш);

- сайёҳларни, шу жумладан чет эллик сайёҳларни қабул қилиш, жунатиш ва уларга сервис хизмат кўрсатиш;

- жисмоний ва юридик шахслар буюртмаси асосида таъмирлаш, қурилиш ва монтаж ишларини бажариш;

- умумий овқатланиш корхоналарини (ресторанлар, барлар, қаҳвахоналар, буфетлар, ошхоналар, чойхоналар) ташкиллаштириш;

- қонунчиликда белгиланган бошқа фаолият турларини ўрнатилган тартибда амалга ошириши мумкин.

2.3. Махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турлари тегишли рухсатнома (лицензия) олингандан сўнг амалга оширилади.

III. ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ

3.1. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

3.2. Жамиятнинг устав капитали 3 275 171 520 (уч миллиард икки юз етмиш беш миллион бир юз етмиш бир минг беш юз йигирма) сўмни ташкил қилади. У ҳар бирининг номинал қиймати 1 068 сўм бўлган 3 066 640 дона оддий акцияларга бўлинган.

Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш

3.3. Жамиятнинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.4. Жамиятнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

3.5. Қўшимча акциялар жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда чиқариш мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори – номинал қиймати 1 068 сўмдан бўлган 8.466.680 дона эгаси ёзилган оддий акцияларндан иборат.

3.7. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

3.8. Қўшимча чиқарилаётган акциялар очиқ обуна усули билан белгиланган тартибда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш йўли билан биржа ёки биржадан ташқари уюшган бозорда жойлаштирилади.

3.9. Қўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

3.10. Жамиятнинг акцияларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул воситасида амалга оширилади.

Жамиятнинг устав капиталини камайтириш

3.11. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.12. Агар устав капиталини камайтириш натижасида унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, жамият устав капиталини камайтиришга ҳақли эмас.

3.13. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

IV. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

4.1. Жамиятнинг акциялари оддий бўлиб, эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади.

4.2. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади

4.3. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

4.4. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

4.5. Жамият молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

4.6. Жамиятнинг молиявий йил дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

4.7. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.8. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

4.9. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

4.10. Жамият томонидан ўтган молиявий йил учун белгиланган бизнес режа параметрларининг соф фойда кўрсаткичи бажарилган тақдирда, жамиятнинг ҳомийлик ва бошқа қайтарилмайдиган ёрдамлар учун харажатлари ўтган йил соф фойдасининг 10 фоизидан ортиб кетмаслиги шарт.

V. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ

5.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

5.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

5.3. Жамият устав капиталининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда жамият захира фонди тузилади.

5.4. Жамият захира фондига ушбу уставнинг 5.3-бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказади.

5.5. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

VI. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Жамият акциядорлари:

Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;

депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

Акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.2. Акциядорлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва кўзда тутилган ҳолларда ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақли.

6.3. Жамиятнинг 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгаларига кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

6.4. Ҳар бир оддий акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

6.5. Акциядорнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиши, дивидендлар олиши ва Жамият томонидан корпоратив ҳаракатлар бажарилганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириши Жамият акциядорларининг реестри асосида амалга оширилади.

6.6. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни - мазкур акциялар эгасини қонунчиликда белгиланган тартибда Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

6.7. Жамият акциядорлари қуйидаги мажбуриятларга эга:

Жамиятнинг акцияларига қонун ҳужжатларида, ушбу Уставда ва акция чиқарилиши тўғрисидаги қарорларда кўзда тутилган тартибда, усулларда ва муддатларда ҳақ тўлаш;

Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий маълумотларни ошкор қилмаслик.

Акциядорлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.8.Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

Депо ҳисоб варағидан кўчирма акциядорнинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини тасдиқлайдиган, депозитарий томонидан бериладиган ҳужжатдир.

VII. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

7.1. Жамият бошқарув органлари - Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи - Бошқарув.

VIII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

8.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

8.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

8.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- жамиятнинг устав капиталини камайтириш;
- ўз акцияларини олиш;
- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Бошкарув раисини сайлаш ва ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш;
- жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;
- имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;
- акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;
- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- қонунчиликда белгиланган ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

8.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар йиғилиш баённомаси имзоланган кундан икки иш кунидан кечиктирмай, шунингдек овоз бериш якунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциядорлар эътиборига етказилади.

8.5. Қуйидаги масалалар бўйича қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади:

- жамият уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- жамият Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;
- қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар тузиш.
- қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда жамият томонидан аффилланган шахс билан битимларни маъқуллаш.

8.6. Жамият акциядорлар умумий йиғилиши жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

IX. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

9.1. Жамият Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

9.2. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йиллик муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони етти кишидан иборат.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги “Давлат активларини бошкариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тугрисида”ги Карорига асосан устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортик булган хужалик жамиятларида Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар Узбекистон Республикаси Бош Вазири ёки унинг тегишли уринбосарлари ва маслахатчилари билан келишилган холда амалга оширилади.

9.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

- жамият ижроия органига аъзоларини сайлаш;(Бошкарув раиси номзоди бундан истеъсно)

- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

- жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш;

- қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

- аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш;

- жамият уставига жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- қонунчиликда белгиланган ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

- жамият Бошқарув раиси ва аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифаларини вақтинча бажарувчини тайинлаш;

- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш.

9.4. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

9.5 Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варагига киритилган жамият кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустакил аъзо киритилиши керак,ушбу аъзо хар йили кайта сайланиши мумкин.

9.6. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

9.7. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

9.8. Жамият Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

9.9. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Заруриятга кўра жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

9.10. Жамият Кузатув кенгашининг қарори Кузатув кенгашга сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида қонуний ҳисобланади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

9.11. Жамият Кузатув кенгаши жамиятнинг «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

X. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

10.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик коллегиал ижроия орган - Бошқарув томонидан амалга оширилади. Жамият Бошқаруви етти кишидан иборат бўлиб, Бошкарув раиси акциядорларнинг умумий йиғилишида уч йил муддатга сайланади, Бошкарувни олти аъзоси Кузатув кенгаши томонидан сайланади.

10.2. Бошқарув аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари уларнинг ҳар бири жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишида қарор қабул қилинади.

10.3. Акциядорларнинг кузатув кенгаши томонидан тайинланадиган жамият ижроия органи таркибига кирган шахснинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини кузатув кенгашини навбатдаги умумий йиғилишигача бўлган даврда вақтинча бажариб туришига йўл қўйилади.

10.4. Бошқарув фаолияти устидан акциядорлар умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланадиган Бошқарув раиси раҳбарлик қилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг жамият Бошқарув раиси тайинлаш тўғрисидаги қарори, одатда, хорижий менеджерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилиниши мумкин.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги "Давлат активларини бошкариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тугрисида"ги Карорига асосан устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортик булган хужалик жамиятлариижроия органи рахбари лавозимига номзод Узбекистон Республикаси Бош Вазири ёки унинг тегишли уринбосарлари ва маслахатчилари билан келишилган холда амалга оширилади.

10.5. Бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини жамият номидан жамият кузатув кенгаши раиси имзолайди.

10.6. Жамият Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгашига ҳисобот беради.

10.7. Жамият Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

10.8. Жамият Бошқарувининг ваколатларига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига ёки жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

10.9. Жамият Бошқарув раиси ваколатларига қуйидагилар киради:

- мазкур Устав ва жамият кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- жамият кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

- жамият номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилади;

-штатлар рўйхати ва лавозим маошларини тасдиқлайди, жамият ходимларини ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлайди;

- жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;

- жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

- жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди;

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади;

- акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди;

- сотиладиган маҳсулотларга нарх белгилайди ва кўрсатиладиган хизматга тарифларини тасдиқлайди;

- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда жамият ички ҳужжатларига риоя қилади.

10.10. Жамият бошқаруви ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

10.11. Жамият бошқаруви қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга мувофиқ жамият олдида жавобгардир.

10.12. Жамият Бошқаруви мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

XI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

11.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

11.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

11.3. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.